

Якка Аллоҳга ибодат қилинглр

19:10 / 18.12.2017 3734

Абу Суфён Сахр ибн Ҳарб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Ҳирақл қиссасидаги узун ҳадисда келтирилишича, Ҳирақл: «Сизларга пайғамбарингиз, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима буюряпти?» деганида, Абу Суфён: **«У Пайғамбар: “Якка Аллоҳга ибодат қилинглр, бирор нарсани ширк келтирманглр, оталарингиз айтган нарсаларни тарк қилинглр”, деб ва бизни намоз ўқиш, рост сўзлаш, иффатли бўлиш ва қариндош-уруғларга боғланишга буюради», деди.**

Муттафақун алайҳ.